



Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан энг яхши Ислом ҳақида сўради. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таом беришинг, таниган ва танимаган мусулмонга салом беришинг», - деб жавоб қилдилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан энг яхши Ислом ҳақида сўради. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таом беришинг, таниган ва танимаган мусулмонга салом беришинг», - деб жавоб қилдилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исломдаги энг яхши ҳислат қайси экани ҳақида сўралдилар. Шунда иккита ҳислатни зикр қилдилар. Биринчи: Фақирларга таом беришни кўпайтириш. Бунга садақа, ҳадя, меҳмондорчилик, валималар ҳам киради. Нархлар қиммат бўлиб очарчилик кўпайган вақтларда бу янада фазилатлироқ амалга айланади. Иккинчи: Таниган ва танимаган барча мусулмонга салом бериш.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5808>

